

NAVOIY IJODIЁТИНИНГ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

Нодирхон Ҳасан,
филология фанлари доктори,
ЎЗМУ ўзбек филологияси
факультети профессори

Резюме. Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ҳаёти, ижоди ва фикру қарашлари мавзусида Шарқда ҳам, Фарбда ҳам жуда кўплаб тадқиқотлар яратилган. Хусусан, улуғ мутафаккир адибнинг муборак номи ва асарлари туркий халқлар орасида жуда кенг танилган. Чунончи, қардош Туркияда Навоий мавзусида анчагина илмий ишлар амалга оширилган бўлиб, ушбу диёрда фаннинг навоийшунослик тармоғига асос солинган дейиши мумкин. Қолдики, буюк шоирнинг бетакрор илмий ва адабий мероси ўтмишда усмонли шоир ва адиблари тарафидан ўқиб-ўрганилгани каби бугун ҳам изчил равишда тадқиқ этилмоқда. Алишер Навоий мавзусида Туркияда амалга олиширилган илмий тадқиқот ишлари деганда, албатта, Ф.Купрули, А.Н.Тарлан, О.С.Левенд, А.Гўлпинорли, Ф.Кирзиўгли, А.Жаъфарўгли, К.Эраслон, У.Ф.Сертқоя каби қатор олимларнинг асарларини тилга олиши мумкин. Мақолада Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва таъсирлари мавзусида Туркияда олиб борилган тадқиқотларга мухтасар назар ташланади.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, асар, навоийшунослик, китоб, мақола, тил, тадқиқот.

Ҳазрати Алишер Навоий нафақат Марказий Осиё халқлари, балки Кичик Осиё (яъни ҳозирги Туркия) минтақасида ҳам маълум ва машҳурдир. Зеро, буюк шоирнинг бетакрор илмий ва адабий мероси Усмонли шоир ва адиблари тарафидан ўтмишда ўқиб-ўрганилгани каби бугун ҳам қадрланмоқда. Алишер Навоий мавзусида Туркияда олиб борилган тадқиқотларни *диссертациялар, монографиялар, китоб ва рисолалар, илмий-амалий анжуман материаллари, мақола ва тезислар* сифатида бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчиси, бу мавзуда амалга оширилган илмий ишлар, яъни докторлик ва номзодлик диссертацияларидир¹. Бу ишлар асосан Навоий асарларининг илмий ўрганилиши, яъни матнининг нашрга тайёрланиши, нусхалари, таянч нусхаларнинг тавсифи, лисоний ва адабий жиҳатларининг тадқиқи шаклида амалга оширилган. Масалан, Г.Алпай “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг траскрипционли ва танқидий матнини тайёрлаган бўлса, М.Жонпўлат “Лисон ут тайр” асарини ўрганиб чиқиб, матнини ва фихристини тақдим этган. Д.А.Абик эса “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки ажам” ва “Муншаот” асарларини матн, грамматик, лингвистик ва стилистик жиҳатлардан тадқиқ

¹ M.Sabir. Ali Şir Nevai, Hayretül-Ebrar, Doktora Tezi, İstanbul Üniversitesi, 1961; G.Alpay, Ali Şir Nevâyi'nin Birinci Divanı: Garâibü's-Sığar, Dokt. Tezi. İst. Üniv. 1965; K.Eraslan, Nesâyimü'l-Mahabbe min Şemâyimi'l-Fütüvve, Dokt. tezi, İst. Üniv. 1969; S.Özçelik. Ali Şir Nevai, Mecalisü'n-Nefais, Gazi Üniv. Dokt. Tezi, 1981; M.Karaörs, Ali Şir Nevâyi. Nevâdirü'ş-Şebâb, Dokt. Tezi, İst. Üniv. İstanbul 1985; K.Türkay, Ali Şir Nevâî, Bedâiyü'l-Vasat, Dokt. Tezi, Ankara Üniv. 1988; H.Tören, Ali Şir Nevayi, Sedd-i İskenderi, İst. Üniv. Dokt. Tezi, 1990; G.Tural. Ali Şir Nevai. Seba'a-i Seyyare, Gazi Üniv. Dokt. Tezi, Ankara, 1993; Z.Ölmez, Ali Şir Nevâyî, Mahbûbü'l-Kulûb, Hacettepe Üniv. Dokt. Tezi, 1993; A.D.Abik, Ali Şir Nevâyî'nin Risaleleri. Tarih-i Enbiyâ ve Hükemâ, Tarih-i Mulûk-i Acem, Münşeat, Ankara Üniv. Dokt. Tezi 1993; Y.Altınışık, Ali Şir Nevâyî'de Tasavvuf, Harran Üniv. Dokt. Tezi, Şanlıurfa 2002;

этган. Айрича, бу категорияда Хирот адабий мактабида тазкирачилик мавзусининг ўрганилганини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Шунингдек, Ю.Алтинишикнинг “Навоий асарларида тасаввуфий қарашлар” мавзуидаги диссертация ҳам эътиборга лойиқдир.

Иккинчиси ва эътиборга лойиқ жиҳати, туркиялик навоийшунос олимлар томонидан Алишер Навоий асарларини чоп этиш ишининг жуда яхши йўлга қўйилганлигидир. Ўтган аср мобайнида буюк шоирнинг ўзбек тилидаги деярли барча асарлари нашр этилган². Бу ишда айниқса турк тил курумнининг фаолиятини алоҳида тақдирламоқ лозим бўлади. 1941 йил “Муҳокамат ул-луғатайн” нашри билан бошланган Навоий асарларининг нашри 2006 йилга қадар узлуксиз давом этди.

Учинчиси, Алишер Навоийнинг ҳаёти, асарлари, бадиияти масалалари, тил хусусиятлари, усмонли шеърлятига таъсири, туркий тил ва маданият равнақига кўрсатган хизматлари, яшаган даври ва ҳоказо масалалар тадқиқига бағишланган бир қатор илмий асарлар яратилган³. Булардан энг машхурлари Фуод Кўпрулуниинг “Алишер Навоий”, Али Ниҳод Тарланнинг Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан чоп этилган “Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари”, Огоҳ Сирри Лаванднинг “Алишер Навоий: ҳаёти, санъати ва шахсияти”, “Чигатой адабиёти ва Алишер Навоий”, Абдурахмон Гўзал тайёрлаган “Алишер Навоийнинг асарлари ва маданий таъсири” каби китоб ва тўпламлардир⁴.

Ф.Купрули “Алишер Навоий” рисоласида (ва “Классик Чигатой даври” номли тадқиқотида) 14 асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётини тадқиқ этаркан, Бойқаро ва Навоийнинг бу даврдаги порлоқ маданият инкишофининг асосий омиллари бўлганликларини қайд этиб, “туркий маданият тарихида бу (инкишоф даври)ни Бойқаро-Навоий даври деб аташ янглиш бўлмас” дейди ва бу давр

² Ali Şir Nevâyî, Muhakemetü'l-lugateyn. Haz. R.İşitman, TDK. Ankara 1941; Ali Şir Nevâyî. Hamse, III, Haz. A.S.Levend, Ankara 1967; Ali Şir Nevâyî. Nesâyimü'l-Mahabbe min Şemayimi'l-Fütüvve, Haz. K.Eraslan, İst. Üniv. Edeb. Fak. Yay., İstanbul 1979; Ali Şir Nevâyî, Mizânü'l-Evzan, Haz. K.Eraslan, Ankara 1993; [Ali Şir Nevayî. Ferhad ü Şirin: İnceleme-Metin.](#) Haz. G.Alpay-Tekin. Ankara 1994; Ali Şir Nevayî, Lisânü't-tayr, Haz. M.Canpolat, Ankara 1995; Ali Şir Nevâyî, Mecâlisü'n-Nefâis, Haz. H.Ayan ve başk., Erzurum 1995; Ali Şir Nevâyî, Fevâyidü'l-Kiber, Haz. Ö.Kaya, Ankara 1996; Ali Şir Nevâyî, Leyli vü Mecnun, Haz. Ü.Çelik, Ankara 1996; K.Türkay, Ali-Şir Nevâyî: Bedayiu'l-Vasat, Ankara 2002; Ali Şir Nevâyî, Garâ'ibü's-sıgar. Haz. G.Kut. Ankara 2003; Ali Şir Nevayî Hamsetü'l-Mütehayyirin, Haz. [A.D.Abik](#), Ankara 2006; M.Karaörs, Nevadirü's Şebab, Ankara 2006; V.Türk. Ali Şir Nevâi, Hayretü'l-Ebrar. Ankara-2015; V.Türk. Ali Şir Nevayî, Vakfiye, Ankara-2015; V.Türk, Ali Şir Nevayî, Mahbubu'l-Kulub, Ankara-2020;

³ A.N.Tarlan. Büyük Türk Şâiri Mir Ali Şir Nevâî, Bakû 1926; B.Atalay. Mirza Mehdi Mehmet Han, Seng-Lâh, Lugat-ı Nevâî, İstanbul 1950; B.Atalay. Abuşka Lügati veya Çağatay Sözlüğü, Ankara, 1972; İ.Kafesoğlu, Ali Şir Nevâî Devri Tarihine Bir Bakış, İstanbul 1962; Z.F.Fındıkoğlu, Ali Şir Nevai ve zamanımız, İstanbul 1962; F.K.Timurtaş, Ali Şir Nevâî'nin Türk Diline Hizmetleri, İstanbul 1962; Ali Şir Nevai. I-I V.Ankara 1965;

⁴ F.Köprülü, Ali Şir Nevai, TTK, İstanbul 1941; A.N.Tarlan, Ali Şir Nevai hayatı ve eserleri, İstanbul 1962; A.S.Levend, Ali Şir Nevai hayatı, sanatı ve şahsiyeti, TTK, Ankara 1965; Çağatay Edebiyatı ve Ali Şir Nevai, İstanbul 1996; Ali Şir Nevâyî'nin Eserleri ve Kültürel Etkileri. Editör: A.Güzel, Başkent Üniv., Ankara 2023;

Хуросон ва Ҳирот учун олтин давр бўлганлигини қайд этади. Шунингдек, олим мазкур рисолаида: “У (Навоий) фақатгина Ўрта Осиё туркийларининг яъни ўзбек адабиётининг буюк шоири бўлибгина қолмаган, асарларини юз йиллардан бери турк дунёсининг ҳар тарафида, Онадўли ва Румэлида, Озарбайжонда, Эронда, Ироқда, Қримда, Волгабўйларида, туркманлар орасида, ҳатто Ҳиндистондаги турк саройларида ўқилган” деб ёзади. Купрулига кўра, Фузулий ва Насимийни истисно қилганда, Навоий руҳининг оҳанглари Ўрта Ер денгизи соҳилларидан Кошғарга, Волга бўйларидан Можористонга қадар бу даражада кучли таратган бир шоир йўқдир⁵.

Шу ўринда Огоҳ Сирри Лаванднинг асари устида ҳам тўхталиш жоиздир. Чунки асар ўзига хос бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради. Чунончи, Лаванд ўз асарининг кириш қисмида Навоий мавзусида амалга оширилган дастлабки тадқиқотларни тилга олади. Улуғ шоир яшаган давр, унинг ҳаёти, маданий фаолияти, девонлари, “Хамса”си, бадиияти ва шахсияти, Навоий ва тил, Навоий ва адабиёт, Навоий ва Ҳирот, шоирнинг адабий муҳити, тафаккури, характери, Навоий ва ишқ, Навоийнинг шуҳрат топиши ва таъсири, Навоий асарларига умумий қараш каби мавзуларни тадқиқ этган олим китоб охирига Навоий тилга олинган асарлар, Навоий асарлари луғатлари ва Навоий библиографиясини ҳам илова этган. Шунингдек, Ф.Топракнинг Навоий қарашларида тасаввуфий тушунчаларнинг ўрни, С.Болтабоевнинг Навоий дебечаларига доир тадқиқотлари ҳам эътиборга шоёндыр⁶.

Тўртинчиси, “Машҳур одамлар”, “Турк адабиёти тарихи”, “Турк тили тарихи”, “Турк дунёси эл китоби”, “Адабиёт тадқиқотлари”, “Турк дунёси муштарак адабиёти” каби бир қанча илмий ва адабий асарларда, шунингдек “Ислом қомуси”, “Турк классиклари”, “Диёнат Вақфи Ислом қомуси”, “Буюк турк классиклари” сингари бир қанча илмий, тарихий, адабий ва библиографик қомусларда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига алоҳида саҳифалар ажратилган⁷.

Бешинчиси, Туркия матбуотида Алишер Навоий мавзусида юзлаб мақолалар эълон қилинган. Уларда улуғ шоирнинг ҳаётию ижодидан тортиб

⁵ F.Köprülü, Edebiyat Araştırmaları II, S. 138. F.Köprülü, "Ali Şir Nevâî", Edebiyat Araştırmaları II, s.431.

⁶ F.Toprak. Tasavvufi ve Edebi Yönleriyle Ali Şir Nevayi. Ankara, Akçağ Yayınları, 2021; Boltabayev S., Ali Şir Nevâyî Divanlarının Dibaceleri [Giriş-Metin-Aktarma-Dizin-Tıpkıbasım] Akçağ, Ankara, 2022;

⁷ İ.Gövsâ, Ali Şir Nevayî, Meşhur Adamlar, İstanbul, 1933-1935; Gölpinarlı, Abdülbâki, Ali Şir Nevâî, AA, III, 1946-1947, 1064-1065; İ.Gövsâ, Ali Şir Nevâî, Resimli Yeni Lügat ve Ansiklopedi, 1947; N.S.Banarlı, Resimli Türk Edebiyatı Tarihi I, s.424, İstanbul 1948; A.Caferoğlu, Türk Dili Tarihi, II, İstanbul, 1964, s.205-235; M.Çavuşoğlu, Kanuni Devrinin Sonuna Kadar Anadolu'da Nevâyî Tesiri Üzerine Notlar, Atsız Armağanı, İstanbul 1976; A.İnan, Çağatay Edebiyatı, Türk Dünyası El Kitabı, Ankara 1976, s.484-501; F.Köprülü, Ali Şir Nevâî, Edebiyat Araştırmaları II, İstanbul, 1989, s.429-438; G.Kut. Ali Şir Nevai, Türk Dünyası Ortak Edebiyatı: Ankara 2008; F.Köprülü, Çağatay Edebiyatı, İslam Ansiklopedisi, 3.cilt. s.297-306, Eskişehir 1997; Z.V.Togan. Ali Şir Nevâyî. İslam Ansiklopedisi, I, İstanbul 1941, s. 349-357; K.Eraslan, Nevâî, Türk Klasikleri, C.III, İstanbul 1986, s.108; G.Kut. Ali Şir Nevâî. TDV İslâm Ansiklopedisi. C.II. İstanbul 1989, s.449-453; K.Eraslan. XV. y.y Çağatay Edebiyatı. Büyük Türk Klâsikleri, C.3, İstanbul 1986, s.59-133;

таъсир ва издошлик масалаларигача ранг баранг мавзулар кенг камраб олинган⁸. 19 асрнинг иккинчи ярмидан 21 асрнинг бошигача ўтган давр мобайнида Ф.Кўпрулининг “Алишер Навоий ва таъсирлари”, Абдулбоқий Гўлпинорлининг “Алишер Навоий”, Фахриддин Кирзиўғлининг “Навоий ва туркий тилга мухаббат”, Аҳмад Жаъфарўғлининг “Навоий “Хамса”си”, Янош Экманнинг “Навоийнинг илк девонлари хақида”, Камол Эраслоннинг “Навоийнинг “Холоти Саййид Ҳасан Ардашер рисоласи” ва “Навоийнинг “Холоти Паҳлавон Муҳаммад рисоласи”, Усмон Фикри Сертқоянинг “Усмонли шоирларининг Чиғатойча шеърлари” (туркум мақолалар), Кўнгул Алпойнинг “Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони”, Тохир Ўзгўрнинг “Навоий ва Фузулий орасидаги баъзи ўхшашликлар”, Яъқуб Қорасўйнинг “Шайбонийхоннинг Навоийга назиралари”, Воҳид Туркнинг “Алишер Навоийнинг муножоти” каби юзга яқин эътиборга молик мақолалар Туркия журналларида эълон қилинган. Тилшунос олим А.Жаъфарўғли “Чиғатой туркий тили ва Навоий” номли мақоласида Навоийнинг туркий тил ривожини учун олиб борган курашларини ифода этаркан “Навоий туркий тилнинг энг буюк ҳомийси ўларок ҳамиша “туркий тил” сўзини айтишдан завқ олар ва шу йўл орқали Ўрта Осиё теварагидаги туркий тил

⁸ Бу мақолаларнинг энг асосийлари қуйидагилардир: İ.Hakkı, Ali Şir Nevâyî ve Çağatay Şuarası, Mektep, s. 1-7, İstanbul 1892; A.İnan, Mir Ali Şir Nevai, Varlık, İstanbul 1941, C.XI, sy.182, s.313-314; B.Atalay. Ali Şir Nevâî, Türk Dili-Belleten, II, 7-8 Mart 1941, 9-16; İ.H.Ertaylan, Amasya’da Bayezit Kütüphanesinde bulunan Divan-ı Mir Ali Şir Nevai, TDED, I, İstanbul, 1946, 39-47; Â.S.Levend. Türkiye Kitaplıklarında Nevâyî Yazmaları, *Türk Dili Araştırmaları Yıllığı Belleteni*, 1958, 127-214; A.İnan, Ali Şir Nevai ve folklor, TFA, no. 182, s.3510-3511, 1964; Â.S.Levend. Ali Şir Nevâî, Türk Dili Dergisi, XV, 173, 1966, 285-291; M.F.Kırzioğlu, Türk Dilini Sevme Bakımından Nevâî'nin Yeri, Türk Dili Dergisi, XV, 173, 1966, s.306-316; A.Caferoğlu, Çağatay Türkçesi ve Nevâyî, Türk Dili ve Edebiyatı dergisi. C.XI, sy. 3-4, 141-154; H.Dizdaroğlu, Nevâî’de Dil Bilinci, Türk Dili Dergisi, C.XV, sy.173, Şubat 1966, s.294; A.Dilaçar, Nevâî'nin Dil Anlayışı, a.g.e. s.302; K.Eraslan, Nevâyî'nin Hâlât-ı Seyyid Big Risalesi, Türkiyat Mecmuası, XVI (1971) İstanbul 1971, 89-110; O.F.Sertkaya, Osmanlı Şairlerinin Çağatayca Şiirleri I, TDED, XVIII, 1970, s.133-138; K.Eraslan, Ali Şir Nevâyî'nin Halât-ı Pehlevan Muhammed Risalesi, Türkiyat Mecmuası, XIX, İstanbul, 1980, 99-164; G.Alpay. Ali Şir Nevai'nin Ferhad ü Şirin Mesnevîsi Üzerindeki Etkiler. *TDK-Belleten Dergisi TDAY-B* 1970. Ankara 1989. s.155-167; T.Üzgör, Ali Şir Nevâî ve Fuzûlî Arasında Bazı Benzerlikler, *MÜFEF Türklük Araştırmaları Dergisi/Âmil Çelebioğlu Armağanı*, Yıl 1991-92, 7 (1993), 565-77; M.Karaörs, Nevâî'nin İkinci Divanı Nevâdirü’ş-Şebâb, Erciyes Üniv. Fen Edeb. Fak. Dergisi, 5 (1994), 219-30; K.Türkay, Nevai'nin Lügazları, *TDAY Belleten*, 1994, s.157-168; F.Özkan, Nevâî Eserleri İçin Yazılmış Bir Lügat, *Bilgi dergisi*, 1 Bahar 1996, 198-243; A.D.Abik, Nevayi'de -p zarf fiilinin Bazı Yönleri, *Bir*, sy.9-10, s.27-39, İstanbul 1998; V.Türk. Ali Şir Nevai'nin Münacatı, Ege Üniv. Türk Dili ve Edebiyatı dergisi, *Üzбек Bayçura Özel Sayısı (2001)* sy: 10; T.O.Seyhan, Ali Şir Nevayi - Sirâcü'l-Müslimîn-I, *Modern Türklük Araştırmaları Dergisi*, C.II, sy.4 (Aralık 2005), Ankara; A.D.Abik (1996), Ali Şir Nevâyî'nin Zübdetü't Tevârihi Üzerine, *Türk Dili Araştırmaları Yıllığı Belleten*, Ankara 1999, 1-6; S.E.Sol. Ali Şir Nevai'ye bağlı olarak anlatılan fıkralar. *Millî Folklor dergisi*, sy.64, s.44-51, Ankara 2004; Ö.Kaya. 'Ali Şir Nevâyî'nin Divanları. *Modern Türklük Araştırmaları Dergisi* (2007), 4/1: s.46-56; B.Ö.Nalbant. 'Ali Şir Nevâyî'nin Dest-i Hattı: Türkçe Divanları Arasındaki Yeri. *Modern Türklük Araştırmaları Dergisi* 2006, 3(1):57-63; E.Teres. Ali Şir Nevâyî'nin Dinî-Tasavvufî Eserleri. *Yağmur dergisi*, sy.40/2008; M.Karaörs. Ali Şir Nevâyî-I, Ege Üniv. Edeb. Fak. Türk Dili ve Edebiyatı Araştırmaları dergisi, İzmir, Haziran 2009 sy.59; Toprak F., Ali Şir Nevâyî'de Cennet-Cehennem Metaforu, *Turkish Studies*, 2018-C.13, Sy: 28, 987-999; Türk V., Türkiye’de Ali Şir Nevâyî Çalışmaları. *Türk Dünyası Dil ve Edebiyat Dergisi*, Sayı: 52 (Güz-2021) Ankara. S.403-441; Toprak F., "Ali Şir Nevayi'nin Bir Gazeli Üzerine", *Hamza Zülfikar Armağanı*, Ankara: Türk Dil Kurumu, 2021, s.613-628; Toprak,F. (2022). Ali Şir Nevâyî'de Yaşlılık ve Gençlik Düşüncesi. *Gazi Türkiyat* (31), 1-14; Boltabayev, S. (2023). Nevâyî'nin Türkçe Divanlarının En Eski Nüshaları. *Trakya Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Dergisi*, 13(25), 111-123;

курашини қизғин авж олдирганди”, деб ёзса⁹, К.Эраслон “Алишер Навоийга буюк социолог ёхуд маданият сиёсатшуносимиз Юсуф Хос Ҳожиб ҳамда буюк фольклорчи ва луғатшуносимиз Маҳмуд Кошғарийдан кейин энг йирик турколог ва маданият арбобидир деб қараш тўғри бўлур эди” дея юксак баҳо беради¹⁰. Ўндер Гўчгун эса Навоийнинг ўз даврида тутган ўрнини “ўша даврдаги туркий давлат Навоий замонида “Ҳирот маданияти” деб номланган улуғ бир илм, маданият ва санъат хазинасига эришди” дея эътироф этади¹¹.

Олтинчиси, “Турк амажи”, “Турк тили ва адабиёти”, “Туркий лаҳжалар ва адабиётлар” каби журналларнинг 1942 йил январь, 1966 февраль ва 1997 йил июнь сонлари Алишер Навоийга махсус бағишланган¹².

Еттинчиси, 1962 йил Истанбулда, 1991 йил Анқарада, 1992 йил Қўниёда, 2001 йил яна Анқарада Алишер Навоий мавзусига доир илмий-амалий анжуманлар ўтказилган, мавзу юзасидан турли маърузалар қилинган¹³. Шулар орасида Гунай Кутнинг “Девон шоири сифатида Алишер Навоий”, Хусайн Ўзжоннинг “Турк дунёсининг донишманди Алишер Навоий”, Мустафо Эсоннинг “Алишер Навоий асарларининг Онадўли турк адабий тилига таъсири” каби маърузалари бугун ҳам ўқувчиларни қизиқтиради.

Саккизинчиси, бу ўринда рус олимлари томонидан Алишер Навоийга бағишлаб ёзилган бир қанча тадқиқотларнинг туркчага қилинган таржималарини эслаш жоиз. Масалан, “Ўлку” мажмуасида чиққан В.Бартольднинг “Мир Алишер ва сиёсий ҳаёти” мақоласи, “Турк тили тадқиқотлари йиллик бюлеттени”да эълон қилинган Е.Э.Бертельснинг “Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони”, А.Н.Болдиревнинг “Замондошларининг ҳикояларида Навоий”, А.К.Боровковнинг “Ўзбек ёзуви тилининг асосчиси Алишер Навоий” ва С.Л.Волиннинг “Ленинград

⁹ A.Caferoğlu, "Çağatay Türkçesi ve Nevâî", s.148.

¹⁰ K.Eraslan, "Ali Şir Nevâî'nin Halât-ı Pehlevan Muhammed Risalesi", s.99.

¹¹ Önder Göçgün, Eserlerinin ışığında fikri ve edebi hüviyeti ile Ali Şir Nevai, Bir, sy.9-10 1998, s.228.

¹² Ahmed Caferoğlu. "Mir Ali Şir Nevâî", (Nevâî'nin Doğumunun 500. Yıl Dönümü Dolayısıyla), Türk Amacı, İstanbul, 1942, 1, 6-11; Ahmet Caferoğlu. Nevâî'nin Türk Dilli "Hamse"si (*Şubat 1966, C: XV, S: 173, s. 298-300 Ali Şir Nevai Özel Sayısı Türk Dili ve Edebiyatı Dergisi*) (27.11.2008); Türk Lehçeleri ve Edebiyatı dergisi, Ali Şir Nevai özel sayısı, sy.13 Haziran 1997; A.Çelikbay, Türkiyeli âlimlerin araştırmaları ışığı altında Ali Şir Nevâî, Türk Lehçeleri ve Edebiyatı dergisi, Ali Şir Nevai özel sayısı, sy.13 Haziran 1997, s.48-50;

¹³ Бу анжуманларда қилинган маърузаларнинг айримлари қуйидагилардир: G.Ayan, Nevâî'nin Mesnevîlerinden Ferhad u Şirin, B.Kahraman, Peyker çevirileri ve Ali Şir Nevai'nin Seb'a-i Seyyaresi, S.Tunç, Lisanut-tayr ve Bedayiu Vasat'ta Kafiye, E.Yeniterzi, A.Nevai'nin Tezkiretül-evliya türünde bir eseri Nesayimül-muhabbe, Selçuk Üniv. Türkiyat Araştırmaları Enst., Ali Şir Nevai Sempozyumu, Konya, 3 Ocak 1992; G.Kut. Divan Şairi Olarak Nevâî; A.Deniz Abik, Hamsetü'l-Mütehayyirin Dolayısıyla Birkaç Nokta; H.Özcan. Türk Dünyasının Bilgesi Ali Şir Nevâî; T.Kocaoğlu, Ali Şir Nevai'nin Türkçe Ünlü Sesler Üzerindeki Açıklamaları (Kapalı Ê/İ Meselesi), (Ali Şir Nevâî'nin 560. Doğum, 500. Ölüm Yılı Dönümlerini Anma Toplantısı Bildirileri, 24-26 Eylül 2001, Atatürk Kültür, Dil ve Tarih Yüksek Kurumu Türk Dil Kurumu Yay., Ankara 2004, s. 57-66 [s. 59];

кутубхоналаридаги Навоий кўлёмалари” каби тадқиқотларини мисол келтириш мумкин¹⁴.

Албатта, Туркияда навоийшунослик деганда улуғ шоир асарларининг усмонли адибларига таъсирини ўрганиш мавзусини четлаб ўтиб бўлмайди. Хусусан, 15-16 асрдаёқ Онадўли шоирлари Алишер Навоийни устоз адиб ўлароқ эътироф этганлар ва унга эргашиб турли жанрларда шеърлар битганлар. Ушбу масала Фуод Кўпрулу, Огоҳ Сирри Левенд, Али Ниҳод Тарлан, Муҳаммад Чавушўғли, Камол Эраслон, Усмон Фикри Сертқоя, Мустафо Эсон, Юсуф Четиндоғ, Мустафо Арслон сингари олимлар томонидан кенг ўрганилган. Айниқса, ёш навоийшунос олим доцент Юсуф Четиндоғнинг “Алишер Навоий асарларининг усмонли шеъриятига таъсири” монографияси фикримизнинг энг ёрқин далилидир. Олим ўз тадқиқотининг Кириш қисмида мумтоз адабиётда адабий таъсир масаласи ва назирачилик анъанасидан сўз юритади. “Манбаларда ва шеърий асарларда Алишер Навоий таъсири” номли биринчи бобда тазкира ва назира мажмуаларида ҳамда 15-16 асрларга оид шеърий асарларда Навоий таъсири, Навоий асарларининг Онадўли минтақасига кириб бориши, султон иккинчи Боязид даврида Навоий таъсирида қалам тебратган шоирлар ҳақида махсус тўхталади. Олим “Онадўли шоирлари Навоийдан таъсирланар экан асосан эътироф ва миннатдорчилик туйғулари билан ҳаракат қилганлар. Навоий тез вақтда Низомий, Хусрав, Ҳофиз, Жомий сингари форс шоирлари қатори ибрат олинадиган ижодкорлардан бирига айланди... Онадўли шоирлари айниқса Навоий шеърларидаги мусиқийликка ошуфта бўлдилар... Бугунга келиб Навоийнинг 15-16 аср Онадўли шоирларига тахмин қилингандан ҳам кўпроқ таъсир кўрсатганлиги маълум бўлмоқда. Зеро бу даврнинг илғор шоирлари Навоий шахсини ва шеърларини жуда яхши билишган. Навоий ҳануз ҳаётда экан ўз даврининг буюк шоирлари томонидан эҳтиромга сазовор бўлган... Навоий усмонли шоирлари учун панжасига панжа уриш мушкул бўлган бир санъаткор эди. Шу боис у Аҳмад пошо, Фотиҳ султон Муҳаммадхон, Жаъфар Чалабий, Маҳмуд пошо, Биринчи Салим, Қонуний султон Сулаймон, Камол пошозода, Мухйи, Хаёлий, Боқий, Яҳёбек, Надим ва шайх Ғолиб каби мумтоз шоирлар назарида турли жихатлардан улуғланган бир беназир шоир эди... Онадўли адабиётига кўрсатган кучли таъсир, усмонли шоирларининг қисқа вақтда ўзбекча шеърлар ёзишга, тадқиқотчиларнинг эса улуғ шоир асарларини

¹⁴ W.Barthold. *Mir Ali Şir Ve Siyasî Hayatı*, çev. A.Caferoğlu, *Ülkü Mecmuası*, c. X, sy. 56-60, Ankara 1937-1938; E.Bertels, *Ali Şir Nevai, Leyli ve Mecnun*, çev. M.Bala, TM, X, 1951, 47-64; --, *Ali Şir Nevâyî'nin Ferhad u Şirin'i*, çev. R.Uygun, TDAY. Belleten, Ankara 1957, s.115-130; A.Boldırev, *Çağdaşlarının Hikâyelerinde Nevâyî*, çev. R.Uygun, TDAY. Belleten, Ankara 1956, s.197-237; A.Borovkov. *Özbek Yazı Dilinin Kurucusu Ali Şir Nevaî*, çev. R.Uygun, TDAY. Belleten, Ankara 1954, s.56-96; S.Volin, Leningrad kitaplıklarındaki Nevai yazmaları hakkında, çev. R.Uygun, TDAY. Belleten, Ankara 1955, s.99-141;

англамоқ учун ўзбекча луғатлар тузишга сабаб бўлган” деб ёзади. Олим шу тарзда “15-16 асрларда яшаган Онадўли шоирларнинг Навоийга ёзган назиралари” номли иккинчи бобда ҳам мазкур даврда минтақада ижод қилган ўнлаб адибларнинг Навоийга издошлик фаолиятларини атрофлича ёритиб беради¹⁵.

Сўнгги йилларда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодиётининг Туркияда ўрганилиши ва танитилишида Юсуф Четиндоғнинг кўрсатган хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада у яна “Алишер Навоийнинг ҳаёти, бадиияти, асарлари” ва “Алишер Навоий” китобларини чоп эттирди¹⁶. Бундан ташқари унинг “Алишер Навоий ва туркий шеър тили”, “Адабий танқид жиҳатидан Ҳирот мактаби тазкираларининг Онадўли тазкираларига таъсири”, “Мажолис ун-нафоис”да шеър ва шоир танқиди”, “Усмонли адабиёти ва Навоий”, “Алишер Навоий асарларининг усмонли шеърятига ва Қонуний султон Сулаймонга таъсири ва асослари” каби ўнлаб мақолалари босилди¹⁷.

Хуллас, 15 асрда адабий таъсир асосида пойдевори қўйилиб, 19 асрнинг иккинчи ярмида қайта жонланган бу жараён йилдан йилга такомиллашиб бугунги кунда янада тараққий топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. M.Sabir. Ali Şir Nevai, Hayretül-Ebrar, Doktora Tezi, İstanbul Üniversitesi, 1961;
2. G.Alpay, Ali Şir Nevâyi'nin Birinci Divanı: Garâibü's-Sıgar, Dokt. Tezi. İst. Üniv. 1965;
3. K.Eraslan, Nesâyimü'l-Mahabbe min Şemâyimi'l-Fütüvve, Dokt. tezi, İst. Üniv. 1969;
4. S.Özçelik. Ali Şir Nevai, Mecalisü'n-Nefais, Gazi Üniv. Dokt. Tezi, 1981;
5. M.Karaörs, Ali Şîr Nevâyî. Nevâdirü'ş-Şebâb, Dokt. Tezi, İst. Üniv. İstanbul 1985;
6. K.Türkay, Ali Şîr Nevâî, Bedâyiü'l-Vasat, Dokt. Tezi, Ankara Üniv. 1988;
7. H.Tören, Ali Şir Nevayi, Sedd-i İskenderi, İst. Üniv. Dokt. Tezi, 1990;
8. G.Tural. Ali Şir Nevai. Seba'a-i Seyyare, Gazi Üniv. Dokt. Tezi, Ankara, 1993;
9. Z.Ölmez, Ali Şîr Nevâyî, Mahbûbü'l-Kulûb, Hacettepe Üniv. Dokt. Tezi, 1993;
10. A.D.Abik, Ali Şir Nevâyî'nin Risaleleri. Tarih-i Enbiyâ ve Hükemâ, Tarih-i Mulûk-i Acem, Münşeat, Ankara Üniv. Dokt. Tezi 1993;

¹⁵ Y.Çetindağ. Ali Şir Nevai'nin Osmanlı Şiirine Etkisi. *Kültür ve Turizm Bakanlığı Yay.*, Ankara 2006, s.43-44.

¹⁶ Y.Çetindağ. Ali Şir Nevai, Hayatı, Sanatı, Eserleri, Fatih Üniversitesi, İstanbul 2005;

¹⁷ Y.Çetindağ, Ali Şir Nevai ve Türk Şir Dili, Yağmur Dergisi, C. 5, no. 17, 2002, s.34-38; ---, *Kültür, Sanat ve Edebiyat Açısından Timurlu-Osmanlı İlişkileri, Folklor/Edebiyat*, C.VIII, no. 32, 2002, s.159-170; ---, *Eleştiri Terimleri Açısından Herat Mektebi Tezkirelerinin Anadolu Tezkirelerine Tesiri, Bilig Türk Dünyası Sosyal Bilimler Dergisi*, sy. 22, 2002, s.109-132; ---, *Timurlular İle Osmanlı Devleti Arasındaki Kültürel İlişkiler, Akademik Araştırmalar Dergisi*, C.5, no.18, 2003, s.1-13; ---, *Mecalisü'n-Nefais'te Şiir ve Şair Eleştirisi, Türk Kültürü İncelemeleri/*, C.9, no.9, 2003, s.79-114; ---, *Osmanlı Edebiyatı ve Nevâî, Baykara Dergisi*, C.I, no.2, 2006, s.14-16; ---, *Ali Şir Nevâî'nin Osmanlı Şiirine ve Kanunî Sultan Süleyman'a Tesiri ve Sebepleri Üzerine, Osmanlı Araştırmaları-Prof. Dr. Mehmed Çavuşoğlu'na Armağan-II*, C.XXVI, no.II, 2006, s.223-235;

11. Y.Altınışik, Ali Şîr Nevâyî'de Tasavvuf, Harran Üniv. Dokt. Tezi, Şanlıurfa 2002;
12. Ali Şîr Nevâyî, Muhakemetü'l-lugateyn. Haz. R.İşitman, TDK. Ankara 1941;
13. Ali Şîr Nevâyî. Hamse, III, Haz. A.S.Levend, Ankara 1967;
14. Ali Şîr Nevâyî. Nesâyimü'l-Mahabbe min Şemayimi'l-Fütüvve, Haz.K.Eraslan, İ.Ü. Edeb. Fak. Yay., İst., 1979;
15. Ali Şîr Nevâyî, Mizânü 'l-Evzan, Haz. K.Eraslan, Ankara 1993;
16. Ali Şîr Nevayî. Ferhad ü Şirin: İnceleme–Metin. Haz. G.Alpay-Tekin. Ankara 1994;
17. Ali Şîr Nevayî, Lisânü't-tayr, Haz. M.Canpolat, Ankara 1995;
18. Ali Şîr Nevâyî, Mecâlisü'n-Nefâis, Haz. H.Ayan ve başk., Erzurum 1995;
19. Ali Şîr Nevâyî, Fevâyidü 'l-Kiber, Haz. Ö.Kaya, Ankara 1996;
20. Ali Şîr Nevâyî, Leyli vü Mecnun, Haz. Ü.Çelik, Ankara 1996;
21. K.Türkay, Alî-Şîr Nevâyî: Bedayiu'l-Vasat, Ankara 2002;
22. Alî Şîr Nevâyî, Garâ'ibü's-sıgar. Haz. G.Kut. Ankara 2003;
23. Ali Şîr Nevayî Hamsetü'l-Mütehayyirin, Haz. A.D.Abik, Ankara 2006;
24. M.Karaörs, Nevadirü's Şebab, Ankara 2006;
25. V.Türk. Ali Şîr Nevâi, Hayretü'l-Ebrar. Ankara-2015;
26. V.Türk. Ali Şîr Nevayî, Vakfiye, Ankara-2015;
27. V.Türk, Ali Şîr Nevayî, Mahbubu-l Kulub, Ankara-2020;
28. A.N.Tarlan. Büyük Türk Şâiri Mir Ali Şîr Nevâi, Bakû 1926;
29. B.Atalay. Mirza Mehdi Mehmet Han, Seng-Lâh, Lugat-ı Nevâi, İstanbul 1950;
30. B.Atalay. Abuşka Lügati veya Çağatay Sözlüğü, Ankara, 1972;
31. İ.Kafesoğlu, Ali Şîr Nevâi Devri Tarihine Bir Bakış, İstanbul 1962;
32. Z.F.Fındıkoğlu, Ali Şîr Nevai ve zamanımız, İstanbul 1962;
33. F.K.Timurtaş, Ali Şîr Nevâi'nin Türk Diline Hizmetleri, İstanbul 1962;
34. Ali Şîr Nevai. I-I V.Ankara 1965;
35. F.Köprülü, Ali Şîr Nevai, TTK, İstanbul 1941;
36. A.N.Tarlan, Ali Şîr Nevai hayatı ve eserleri, İstanbul 1962;
37. A.S.Levend, Ali Şîr Nevai hayatı, sanatı ve şahsiyeti, TTK, Ankara 1965;
38. Çağatay Edebiyatı ve Ali Şîr Nevai, İstanbul 1996;
39. Ali Şîr Nevâyî'nin Eserleri ve Kültürel Etkileri. Editör: A.Güzel, Başkent Üniv., Ankara 2023;
40. F.Köprülü, Edebiyat Araştırmaları II, S. 138. F.Köprülü, "Ali Şîr Nevâi", Edebiyat Araştırmaları II, s.431.
41. F.Toprak. Tasavvufî ve Edebi Yönleriyle Ali Şîr Nevayî. Ankara, Akçağ Yayınları, 2021;
42. Boltabayev S., Ali Şîr Nevâyî Divanlarının Dibaceleri [Giriş-Metin-Aktarma-Dizin-Tıpkıbasım] Akçağ, Ankara, 2022;
43. Gölpınarlı, Abdülbâki, Ali Şîr Nevâi, AA, III, 1946-1947, 1064-1065;
44. İ.Gövsa, Ali Şîr Nevâi, Resimli Yeni Lügat ve Ansiklopedi, 1947;
45. M.Çavuşoğlu, Kanuni Devrinin Sonuna Kadar Anadolu'da Nevâyî Tesiri Üzerine Notlar, Atsız Armağanı, İstanbul 1976;
46. F.Köprülü, Ali Şîr Nevâi, Edebiyat Araştırmaları II, İstanbul, 1989, s.429-438;
47. G.Kut. Ali Şîr Nevai, Türk Dünyası Ortak Edebiyatı: Ankara 2008;

48. Z.V.Togan. Ali Şîr Nevâyî. İslam Ansiklopedisi, I, İstanbul 1941, s. 349-357;
49. K.Eraslan, Nevâî, Türk Klasikleri, C.III, İstanbul 1986, s.108;
50. G.Kut. Ali Şîr Nevâî. TDV İslâm Ansiklopedisi. C.II. İstanbul 1989, s.449-453;
51. İ.Hakkı, Ali Şîr Nevâyî ve Çağatay Şuarası, Mektep, s. 1-7, İstanbul 1892;
52. A.İnan, Mir Ali Şîr Nevai, Varlık, İstanbul 1941, C.XI, sy.182, s.313-314;
53. B.Atalay. Ali Şîr Nevâî, Türk Dili-Belleten, II, 7-8 Mart 1941, 9-16;
54. İ.H.Ertaylan, Amasya'da Bayezit Kütüphanesinde bulunan Divan-ı Mir Ali Şîr Nevai, TDED, I, İstanbul, 1946, 39-47;
55. Â.S.Levend. Türkiye Kitaplıklarında Nevâyî Yazmaları, *Türk Dili Araştırmaları Yıllığı Belleteni*, 1958, 127-214;
56. A.İnan, Ali Şîr Nevai ve folklor, TFA, no. 182, s.3510-3511, 1964;
57. Â.S.Levend. Ali Şîr Nevâî, Türk Dili Dergisi, XV, 173, 1966, 285-291;
58. M.F.Kırzioğlu, Türk Dilini Sevme Bakımından Nevâî'nin Yeri, Türk Dili Dergisi, XV, 173, 1966, s.306-316;
59. A.Caferoğlu, Çağatay Türkçesi ve Nevâyî, Türk Dili ve Edebiyatı dergisi. C.XI, sy. 3-4, 141-154;
60. H.Dizdaroğlu, Nevâî'de Dil Bilinci, Türk Dili Dergisi, C.XV, sy.173, Şubat 1966, s.294;
61. A.Dilaçar, Nevâî'nin Dil Anlayışı, Türk Dili Dergisi, C.XV, sy.173, Şubat 1966, s.302;
62. K.Eraslan, Nevâyî'nin Hâlât-ı Seyyid Big Risalesi, Türkiyat Mecmuası, XVI (1971) İstanbul 1971, 89-110;
63. O.F.Sertkaya, Osmanlı Şairlerinin Çağatayca Şiirleri I, TDED, XVIII, 1970, s.133-138;
64. K.Eraslan, Ali Şîr Nevâyî'nin Halât-ı Pehlevan Muhammed Risalesi, Türkiyat Mecmuası, XIX, İstanbul, 1980, 99-164;
65. G.Alpay. Ali Şîr Nevaî'nin Ferhad ü Şirin Mesnevîsi Üzerindeki Etkiler. [TDK-Belleten Dergisi](#) TDAY-B 1970. Ankara 1989. s.155-167;
66. T.Üzgör, Ali Şîr Nevâî ve Fuzûlî Arasında Bazı Benzerlikler, MÜFEF Türklük Araştırmaları Dergisi/Âmil Çelebioğlu Armağanı, Yıl 1991-92, 7 (1993), 565-77;
67. M.Karaörs, Nevâî'nin İkinci Divanı Nevâdirü's-Şebâb, Erciyes Üniv. Fen Edeb. Fak. Dergisi, 5 (1994), 219-30;
68. K.Türkay, Nevai'nin Lügazları, TDAY Belleten, 1994, s.157-168;
69. F.Özkan, Nevâî Eserleri İçin Yazılmış Bir Lügat, Bilig dergisi, 1 Bahar 1996, 198-243;
70. A.D.Abik, Nevayî'de -p zarf fiilinin Bazı Yönleri, Bir, sy.9-10, s.27-39, İstanbul 1998;
71. V.Türk. Ali Şîr Nevaî'nin Münacatı, Ege Üniv. Türk Dili ve Edebiyatı dergisi, *Üzbek Bayçura Özel Sayısı (2001)* sy: 10;
72. T.O.Seyhan, Ali Şîr Nevayî - Sirâcü'l-Müslimîn-I, Modern Türklük Araştırmaları Dergisi, C.II, sy.4 (Aralık 2005), Ankara;
73. A.D.Abik (1996), Ali Şîr Nevâyî'nin Zübdetü't Tevârihi Üzerine, Türk Dili Araştırmaları Yıllığı Belleten, Ankara 1999, 1-6;

74. S.E.Sol. Ali Şir Nevai'ye baęlı olarak anlatılan fıkralar. Millî Folklor dergisi, sy.64, s.44-51, Ankara 2004;
75. Ö.Kaya. 'Alî Şir Nevâyî'nin Divanları. Modern Türklük Araştırmaları Dergisi (2007), 4/1: s.46-56;
76. B.Ö.Nalbant. 'Alî Şir Nevâyî'nin Dest-i Hattı: Türkçe Divanları Arasındaki Yeri. Modern Türklük Araştırmaları Dergisi 2006, 3(1):57-63;
77. E.Teres. Ali Şir Nevâyî'nin Dinî-Tasavvufî Eserleri. Yaęmur dergisi, sy.40/2008;
78. M.Karaörs. Ali Şir Nevâyî-I, Ege Üniv. Edeb. Fak. Türk Dili ve Edebiyatı Araştırmaları dergisi, İzmir, Haziran 2009 sy.59;
79. Toprak F., Ali Şir Nevâyî'de Cennet-Cehennem Metaforu, Turkish Studies, 2018-C.13, Sy: 28, 987-999;
80. Türk V., Türkiye'de Ali Şir Nevâyî Çalışmaları. Türk Dünyası Dil ve Edebiyat Dergisi, Sayı: 52 (Güz-2021) Ankara. S.403-441;
81. Toprak F., "Ali Şir Nevayî'nin Bir Gazeli Üzerine", Hamza Zülfıkar Armaęanı, Ankara: Türk Dil Kurumu, 2021, s.613-628;
82. Toprak, F. (2022). Ali Şir Nevâyî'de Yaşlılık ve Gençlik Düşüncesi. Gazi Türkiyat (31), 1-14; Boltabayev, S. (2023). Nevâyî'nin Türkçe Divanlarının En Eski Nüshaları. Trakya Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Dergisi, 13(25), 111-123;
83. Önder Göçgün, Eserlerinin ışığında fikri ve edebi hüviyeti ile Ali Şir Nevai, Bir, sy.9-10 1998, s.228.
84. Ahmed Caferoęlu. "Mir Ali Şir Nevâî", (Nevâî'nin Doğumunun 500. Yıl Dönümü Dolayısıyla), Türk Amacı, İstanbul, 1942, 1, 6-11;
85. Ahmet Caferoęlu. Nevai'nin Türk Dilli "Hamse"si (*Şubat 1966, C: XV, S: 173, s. 298-300 Ali Şir Nevaî Özel Sayısı Türk Dili ve Edebiyatı Dergisi*) (27.11.2008);
86. Türk Lehçeleri ve Edebiyatı dergisi, Ali Şir Nevayî özel sayısı, sy.13 Haziran 1997;
87. A.Çelikbay, Türkiyeli âlimlerin araştırmaları ışığı altında Ali Şir Nevâî, Türk Lehçeleri ve Edebiyatı dergisi, Ali Şir Nevayî özel sayısı, sy.13 Haziran 1997, s.48-50;
88. Ali Şir Nevai Sempozyumu Bildirileri, Selçuk Üniv. Türkiyat Araştırmaları Enst., Konya, 3 Ocak 1992;
89. Ali Şir Nevâyî'nin 560. Doğum, 500. Ölüm Yıl Dönümlerini Anma Toplantısı Bildirileri, 24-26 Eylül 2001, Atatürk Kültür, Dil ve Tarih Yüksek Kurumu Türk Dil Kurumu Yay., Ankara 2004;
90. W.Barthold. Mîr Ali Şir Ve Siyasî Hayatı, çev. A.Caferoęlu, Ülkü Mecmuası, c. X, sy. 56-60, Ankara 1937-1938; E.Bertels, Ali Şir Nevai, Leyli ve Mecnun, çev. M.Bala, TM, X, 1951, 47-64;
91. E.Bertels, Ali Şir Nevâyî'nin Ferhad u Şirin'i, çev. R.Uygun, TDAY. Belleten, Ankara 1957, s.115-130;
92. A.Boldırev, Çaędaşlarının Hikâyelerinde Nevâyî, çev. R.Uygun, TDAY. Belleten, Ankara 1956, s.197-237;
93. A.Borovkov. *Özbek Yazı Dilinin Kurucusu Ali Şir Nevaî*, çev. R.Uygun, TDAY. Belleten, Ankara 1954, s.56-96;

94. S.Volin, Leningrad kitaplilaridagi Nevai yozmalari haqqida, çev. R.Uygun, TDAY. Belleten, Ankara 1955, s.99-141;
95. Y.Çetindağ. Ali Şir Nevai'nin Osmanlı Şiirine Etkisi. [Kültür ve Turizm Bakanlığı Yay.](#), Ankara 2006;
96. Y.Çetindağ, Ali Şir Nevai, Hayatı, Sanatı, Eserleri, Fatih Üniversitesi, İstanbul 2005;
97. Y.Çetindağ, Ali Şir Nevai ve Türk Şiir Dili, Yağmur Dergisi, C. 5, no. 17, 2002, s.34-38;
98. Y.Çetindağ, Kültür, Sanat ve Edebiyat Açısından Timurlu-Osmanlı İlişkileri, Folklor/Edebiyat, C.VIII, no. 32, 2002, s.159-170;
99. Y.Çetindağ, Eleştiri Terimleri Açısından Herat Mektebi Tezkirelerinin Anadolu Tezkirelerine Tesiri, Bilig Türk Dünyası Sosyal Bilimler Dergisi, sy. 22, 2002, s.109-132;
100. Y.Çetindağ, Timurlular İle Osmanlı Devleti Arasındaki Kültürel İlişkiler, Akademik Araştırmalar Dergisi, C.5, no.18, 2003, s.1-13;
101. Y.Çetindağ, Mecalisü'n-Nefais'te Şiir ve Şair Eleştirisi, Türk Kültürü İncelemeleri/, C.9, no.9, 2003, s.79-114;
102. Y.Çetindağ, Osmanlı Edebiyatı ve Nevâî, Baykara Dergisi, C.I, no.2, 2006, s.14-16;
103. Y.Çetindağ, Ali Şir Nevâî'nin Osmanlı Şiirine ve Kanunî Sultan Süleyman'a Tesiri ve Sebepleri Üzerine, Osmanlı Araştırmaları-Prof. Dr. Mehmed Çavuşoğlu'na Armağan-II, C.XXVI, no.II, 2006, s.223-235;